



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI  
TOSHKENT FARMATSEVTIKA INSTITUT REKTORINING

**BUYRUG'I**

2019 yil "04" 04 266 -son

Toshkent sh.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг  
2019 йил 16 мартдаги 1/4-сонли Хайъат қарори  
ижросини таъминлаш мақсадида**

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 16 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги "Олий ўқув юртлиридан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 304-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилган 2018 йил докторантура мониторинги натижалари, муаммолар ва истиқболдаги вазифалар тўғрисида"ги 1/4-сонли Хайъат қарори ижросини таъминлаш мақсадида:

**Б У Ю Р А М А Н :**

1. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 16 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги "Олий ўқув юртлиридан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги" 304-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилган 2018 йил докторантура мониторинги натижалари, муаммолар ва истиқболдаги вазифалар тўғрисида"ги 1/4-сонли Хайъат қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор (Н.С.Нормахаматов) ва илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи (М.Т.Муллажонов)ларга:

- **бир хафта муддатда** докторантура самарадорлиги ва мониторинг натижаларини институт Кенгашида масъул кафедра мудирлари, илмий раҳбарлар ва докторантлар иштирокида муҳокама қилиш ва камчиликларга йўл қўйган масъулларга нисбатан чоралар кўриш "Ўзбекистон тарихи", "Ахборот технологиялари" ва "Чет тили" фанлари бўйича махсус синовларга таянч докторантларни мақсадли тайёрлаш ишларини алоҳида назоратга олиш;

- **икки хафта муддатда** докторантларнинг илмий фаолиятини самарали олиб бориш учун етарли шароитлар яратиш, уларни доимий иш ўрни билан таъминлаш, илмий-техникавий маълумотлар базаларидан фойдаланиш, нуфузли журналларда илмий мақолаларни чоп этиш, илмий натижаларини тақдимотини ташкил этиш ва тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

- **икки хафта муддатда** докторантларнинг илмий натижаларини мунтазам муҳокамаларини ташкил этиш, уларнинг нашр фаоллигини таъминлаш, жумладан Scopus, Science Direct, Web of Science каби халқаро илмий-техник маълумотлар базаларидаги илмий нашрларда мақолалар эълон қилиш самарали механизмларини жорий этиш.

- Инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўлими бошлиғи

(К.Н.Нуридуллаева) ва Хисоб китоб бўлими бошлиғи (Ахмедов Д.П)ларга:

**уч hafta муддатда** халқаро нуфузи юкори илмий журналларда мақола чоп этган докторант, мустақил тадқиқотчи ва профессор-ўқитувчиларни уларнинг мақолалари нуфузига қараб институтнинг Инновациялар фонди, бюджетдан ташқари маблағлар хисобидан мунтазам моддий рағбатлантириб боришни йўлга қўйиш.

- Умумий ва ноорганик кимё кафедраси мудири (А.Т.Шарипов)га


**бир ой муддатда** фармацевтика журналини халқаро илмий-техник маълумотлар базасига босқичма-босқич киритиш бўйича **“Йул харитаси”**ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун қабул қилинсин.

юкорида белгиланган вазифаларнинг ижроси бўйича маълумотларни белгиланган муддатларда вазирликнинг Илмий-тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармасига тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

3. Ушбу буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

*Асос: Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 16 мартдаги 1/4 сонли Хайъат қарори.*

Ректор



И.И.Алимджанов

ASLIGA TO'G'RI

